2006 ЙИЛ, 29 НОЯБРЬ, ЧОРШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 234 (10.791)

Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, сиёсий партиялар, тегишли вазирлик ва идоралар, қўмита ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этган йиғилишда «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

● Наманган шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган оммавий югуриш марафонига старт берилди. Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан ўтказилаётган марафонда 36 нафар профессионал спортчилар қатори минглаб ҳаваскор югурувчилар ҳам қатнашяпти. Ушбу йўналиш ўндан ортиқ вилоят ва шаҳарлар ҳудудидан ўтади ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни Хива шаҳрида поёнига етади.

● Тошкентда кўп миллатли Марказий Осиёда таълим тизимидаги ислоҳотларнинг вазифаларга бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг Кам сонли миллатлар масалалари бўйича Олий Комиссарлиги билан ҳамкорликда ташкил этилиб, унда Ўзбекистон, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Афғонистон, Туркманистон ва ЕХҲТдан вакиллар қатнашди.

● Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида ўзбек тилига «Paradox-Neo» компанияси томонидан ўгирилган (ОС) «East-Linux» операция тизимининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

● Йўловчи ташиш транспортчилари Хоразм вилоят марказидаги автобус саройига Россияда ишлаб чиқарилган 10 та «ПАЗ» русумли автобуслар келтирилди. Мазкур автобуслар Урганч шаҳри аҳолиси учун ўзига хос қулайликлар яратиши шубҳасиз.

● Франциядаги бир гуруҳ рассом, санъатшунос ва меъморлар ташаббуси билан ташкил этилган «Карвонсарой» ижодий бирлашмаси томонидан Бухоро шаҳрида «Бухородаги бекат» номли фотокўргазма намойиш этилмоқда. Кўргазмадан Артур Тевенарт ва Жак Кренн сингари франциялик фотоустаналарнинг асарлари ўрин олган.

● «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Қашқадарё вилояти китобсеварларига ўзига хос совға ҳадя этди — Қарши шаҳрида «Шарқ зиёкори» китоблар марказининг шўъба корхонаси ташкил этилди. Замонавий талабларга мос равишда жиҳозланган бу савдо мажмуасидан «Шарқ» компанияси маҳсулотларидан ташқари мамлакатимиздаги барча нашриётларда чоп этилган дарсликлар, бадиий ва илмий адабиётлар, ўқув-методик қўлланмалар,кўргазмали воситаларни харид қилиш мумкин.

ЖАҲОНДА

● Расмий Пхеньян олти томонлама музокаралар ўтказишга тайёр. Шу масала юзасидан маслаҳатлашиб олиш учун КХДР ташқи ишлар вазири ўринбосари Ким Ге Хван бошчилигидаги делегация Пекинга келди.

● Кеча Рим папаси Бенедикт XVIнинг Туркияга тўрт кунлик ташрифи бошланди.

● Кеча Латвия пойтахти Ригада НАТОнинг навбатдаги саммити ўз ишини бошлади.

● Кеча Иркутск аэропортида бортида 180 нафар йўловчи ва 11 нафар экипаж аъзоси бўлган А-310 аэробуси аварияли ҳолатга тушган ҳолда қўнишга мажбур бўлди. Бахтли тасодиф туфайли ҳеч кимга зарар етмади. Ҳозир самолётнинг носозлиги сабабларини аниқлаш мақсадида махсус комиссия иш бошлаб, аэробус техник экспертизадан ўтказилмоқда.

● 2007 йил 1 январдан бошлаб Қозоғистонга рули ўнг томонда жойлашган машиналарни келтириш тақиқланади. Яна уч йилдан сўнг эса бундай машиналарнинг ушбу мамлакатда ҳаракатланиши бутунлай ман этилади.

● Доғистоннинг Хасавюрт шаҳрида федерал хавфсизлик хизмати ва махсус хизмат вакилларининг ҳамкорликдаги операцияси чоғида «Ал-Қоида»нинг Чеченистондаги етакчиси ва молиявий раҳнамоси Абу Хавс ҳамда яна тўрт нафар жангари йўқ қилинди.

● Гаага халқаро трибуналида Серб радикал партияси етакчиси Воислав Шешел устидан суд жараёни бошланди. У ўзига қўйилган барча айбловларни инкор этиб келмоқда. Ҳуқуқий жиҳатдан етарли даражада маслаҳатлар олиши чекланганлиги учун Шешел уч ҳафтадан буён очлик эълон қилган.

● Судан ҳукумати Дарфурда тинчлик ўрнатиш жараёнида БМТ кучлари иштирок этишини рад қилган. Мамлакат пойтахтида чиқиш қилган Умар Башир Африка Иттифоқи раҳбарлигида қитъа давлатлари ҳарбийларининг минтақага киришига рухсат берилишини билдирди.

ҲАМДЎСТЛИК: ИСЛОҲОТ — ДАВР ТАЛАБИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 28 НОЯБРЬ КУНИ МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ БЕЛАРУСЬ ПОЙТАХТИ МИНСК ШАҲРИДА БЎЛИБ ЎТГАН МАЖЛИСИДА ИШТИРОК ЭТДИ.

Сўнгги вақтларда МДҲнинг тақдири ҳақида турли фикрлар билдириляпти. Айримлар унинг пароканда бўлиб бораётганидан ташвиш чекса, баъзилар Ҳамдўстлик ўз салоҳиятини тўла ишга солгани йўқ, шундай қилса, унинг истиқболига ишонч билан қараш мумкин, деган фикрда. Шунинг учун ҳам Ҳамдўстликни замон талаблари нуқтаи назаридан ислоҳ қилиш долзарб бўлиб турибди.

Табиийки, МДҲга аъзо ҳар бир давлат ўз миллий манфаатларини кўзлаб иш тутади, кўриладиган масалаларга шу нуқтаи назардан ёндашади. Бундай шароитда барчага бирдек маъқул бўладиган қарорларни қабул қилиш осон эмас, албатта.

Лекин МДҲнинг муҳим ҳаётий аҳамиятга молик жиҳатларини эътиборсиз қолдириб бўлмайди. Масалан, транспорт коммуникациялари, энергетика тармоқлари, савдо-сотиқ аъзо давлатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг муҳим йўналишларидан саналади.

21 декабрь куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ташкил топганига 15 йил тўлади. Лекин Минск саммити фақат юбилей муносабати билан ўтказилгани йўқ. Ҳамдўстликни ислоҳ қилиш ва унинг самарадорлигини ошириш масаласи анчадан буён баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Эътироф этиш керакки, МДҲ ўтган даврда муайян муваффақиятлар келтирди. Аъзо давлатларнинг суверенитети кафолатланиб, мустақиллиги мустаҳкамланди, кўп томонлама самарали ҳамкорликни ривожлантириш учун ҳуқуқий замин яратилди. Лекин, шу билан бирга, МДҲни тузиш чоғида белгиланган кўплаб мақсадлар ҳаётда ўзининг амалий ифодасини топгани йўқ.

МДҲга аъзо мамлакатлар раҳбарлари 28 ноябрь куни Беларусь Республикасининг Миллий кутубхонаси биносига йиғилдилар. Саммит қатнашчилари асосий эътиборни махсус экспертлар гуруҳи тайёрлаган МДҲ самарадорлигини ошириш ва Ҳамдўстликни ривожлантириш истиқболлари тўғрисидаги ҳисобот муҳокамасига қаратдилар. Бошқача айтганда, бу Ҳамдўстликни ислоҳ қилиш тўғрисидаги ҳужжатдир. Президентлар турли ёндашувларни кўриб чиқиб, нуқтаи назарларни ўзаро мувофиқлаштириш юзасидан фикр алмашдилар. Хусусан, гуманитар ва иқтисодий соҳадаги алоқалар, хавфсизлик ҳамда турли таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашдаги ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар.

Давлат раҳбарлари МДҲ мамлакатларининг гуманитар ҳамкорлик бўйича кенгаши тўғрисидаги битим, ноқонуний муҳожирликка қарши кураш соҳасидаги ҳамкорликни фаоллаштириш тўғрисидаги баёнот, Эркин савдо зонасининг тўлақонли фаолиятини таъминлаш ва ўзаро савдода махсус (ҳимоя) чораларини қўллаш механизми тўғрисидаги англашув меморандуми каби бир қатор ҳужжатларнинг лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

Давлат раҳбарлари кенгашига МДҲ мамлакатларининг иқтисодий соҳадаги ҳамкорлигини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш бўйича 2003-2010 йилларга мўлжалланган дастур ижросининг бориши, Ахборотлаштириш соҳасидаги ҳамкорлик стратегияси ва 2010 йилгача ушбу стратегияни ҳаётга татбиқ этиш режаси, Москвадаги Бутунроссия кўргазмалар маркази негизида Ҳамдўстлик мамлакатларининг доимий ишловчи кўргазмаларини ташкил этиш тўғрисида 2002 йил 7 октябрда қабул қилинган қарор ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар тақдим этилди.

Албатта, МДҲнинг имкониятлари катта. Маълумотларга қараганда, ҳозирги кунда Ҳамдўстлик мамлакатлари иқтисодий ўсиш жараёнини бошдан кечирмоқда. Аҳолиси қарийб 300 миллионни ташкил қиладиган улкан минтақани қамровчи бу тузилманинг жаҳон саноат ишлаб чиқаришидаги улуши 10 фоизни, табиий бойликларнинг асосий турлари заҳиралари бўйича 25 фоизни ташкил қилади. Бу омиллар ҳамкорлик учун яхши замин бўлиб, ундан самарали фойдаланиш йўлга қўйилса, Ҳамдўстликнинг салоҳияти янада ошади. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг МДҲ доирасида Эркин савдо зонаси барпо этиш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келиши ҳам шундан. Зеро, мустаҳкам иқтисодий ҳамкорлик негизига қурилган алоқалар давлатлар ўртасида ўзаро ишончнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади. Бундай муносабатлар ўзаро манфаатдорликка асосланган боис аъзо давлатлар учун юзага келадиган муаммоларни ҳамжиҳатлик билан ечиш имконини яратади.

Шу билан бирга, Ҳамдўстлик мамлакатлари ҳамфикр бўлган жиҳатлар ҳам оз эмас. Минск саммитида жиноий йўллар билан орттирилган даромадларни қонунийлаштириш ва террорчиликни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисидаги шартнома, одам савдосига қарши кураш бўйича МДҲ мамлакатларининг 2007-2010 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури каби ўндан зиёд ҳужжат имзоланди.

Шунингдек, МДҲ Ижроия қўмитаси, Ҳамдўстликнинг Аксилтеррор маркази ва Чегара қўшинлари қўмондонлари кенгаши тўғрисидаги низомларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга қарор қилинди.

Саммит якунлари бўйича ўтказилган матбуот анжуманида кўриб чиқилган масалалар юзасидан журналистларга батафсил ахборот берилди.

Минскка ташрифи чоғида Президент Ислом Каримов ўзи жойлашган қароргоҳда Украина Президенти Виктор Ющенко билан учрашди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболларига оид масалалар, томонларни қизиқтирган халқаро муаммолар муҳокама қилинди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири.

Тошкент – Минск – Тошкент.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

28 НОЯБРДА ПАРЛАМЕНТ ЮҚОРИ ПАЛАТАСИ ҚЎМИТАЛАРИДА БЎЛАЖАК САККИЗИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИС МУҲОКАМАСИГА КИРИТИЛАЁТГАН МАСАЛАЛАРНИ МУҲОКАМА ҚИЛИШГА БАҒИШЛАНГАН МАЖЛИСЛАР БЎЛИБ ЎТДИ.



Уларда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлис Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибида киритган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасини ташкил этишда сенаторларнинг иштирок этиши масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Сенаторлар юқорида кўрсатиб ўтилган қонун лойиҳалари ҳокимиятнинг вакиллик ва ижро этувчи органларини шакллантиришда сиёсий партиялар ҳамда ҳаракатларнинг фаол иштирок этиши учун ташкилий-ҳуқуқий шароитларни кенгайтиришга ва ҳукумат тузилмаларининг, марказдаги ва жойлардаги давлат ҳокимият органларининг мамлакат парламентида ўз вакилларига эга бўлган сиёсий партиялар, маҳаллий вакиллик органларидаги партия гуруҳлари олдида ҳисоб беришини таъминлайдиган ҳуқуқий механизмларни яратишга қаратилганлигини кўрсатиб ўтдилар. Шу билан бирга, уларнинг кенг умумхалқ муҳокамасини ташкил этиш аҳолининг ижтимоий-сиёсий ҳаёти фаоллашувига, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни амалга оширишда, мамлакатни демократик янгилашда сиёсий партияларнинг роли ва масъулияти ошишига ёрдам бериши таъкидланди.

Ана шуларга асосланиб, қўмиталар ушбу қонун лойиҳаларининг моҳиятини аҳолига кенг миқёсда тушунтириш ва уларнинг умумхалқ муҳокамасини ташкил этиш соҳасида тегишли чораларни белгиладилар.

Қўмиталарнинг мажлисларида Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги Давлат бюджети лойиҳаси муҳокама қилинди. Сенаторлар бюджет лойиҳаси саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жўшқин ва барқарор ривожлантиришга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмларини оширишга, макроиқтисодий ва молиявий барқарорликни мустаҳкамлашга, иқтисодиёт ва унинг алоҳида соҳалари мувозанатини кучайтиришга, хўжалик юритувчи субъектлар зиммасидаги солиқ юкини камайтиришга, инфляция даражасини пасайтиришга, муҳим ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга, аввало, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимларини ривожлантиришга йўналтирилган давлат харажатларининг улушини оширишга қаратилганлигини кўрсатиб ўтдилар.

Мажлисларда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, маъқуллаш учун Сенатга юборилган қонунлар муҳокама қилинди.

«Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонунни муҳокама қилиш чоғида сенаторлар ушбу қонун мамлакатга кириш ва мамлакатдан чиқиб кетиш тартибини, шунингдек мамлакатимиз ҳудудида бўлиш қоидаларининг бажарилишини таъминлаш имконини беришига эътибор қаратдилар.

«Молия-иқтисодиёт, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун кўриб чиқилди. Ушбу қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 апрелдаги «Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилганлиги таъкидланди. Қонун амалдаги 10 та қонун ҳужжатига тузатишлар киритади. Бу тузатишлар молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашни кучайтиришнинг ҳуқуқий базасини анча кенгайтиради.

Қўмита аъзолари Ўзбекистон Республикасининг Бельгия Қироллигидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси вазифасига тайинлаш билан боғлиқ масалани ҳам кўриб чиқдилар.

Парламент юқори палатаси қўмиталарининг мажлисларида сенаторлар ва қўмиталарнинг 2006 йил ўтган давридаги фаолияти якунлари ва бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Қисқа сатрларда

● БУГУН Ҳамза туманидаги 156-мактабда «Камолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан ўқувчилар ўртасида уюштирилган интеллектуал ўйин «Сиз қонунни биласизми?» деб номланди.

● КЕЧА «Камолот» ЁИҲ Мирзо Улуғбек туман бўлими Кенгаши томонидан «Бола ҳуқуқи — ёшлар кўзи билан» шиори остида тумандаги мактаблараро уюштирилган «Энг чиройли деворий газета» танлови якунланди.

● ЎТГАН куни «Соғлом авлод учун» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан Сергели туманида истиқомат қилаётган 35 нафар меҳрга ташна болажонлар Тошкент ҳайвонот боғига саёҳат қилишди.

● БУГУН Учтепа миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежида «Мен ўз ҳуқуқимни биламанми?» мавзуида ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида ўтказилган тадбир туман хотин-қизлар қўмитаси томонидан уюштирилди.

● КЕЧА икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, ўзаро тажриба алмашиш мақсадида «Камолот» ЁИҲ Навоий вилоят бўлими Кенгаши вакилларидан иборат делегация аъзолари Бектемир туманига келишди ва ҳамкасблари билан мулоқот қилишди.

● ЎЗБЕК Миллий академик драма театрида театр ихлосмандларига Ҳамид Олимжон номидаги Самарқанд вилоят драма театри ижодкорлари томонидан саҳналаштирилган Равшан Ёриев асари асосидаги «Қайтиш» спектакли намойиш этилди.

● МИРЗО Улуғбек туманидаги 148-мактабда Халқаро СПИДга қарши кураш куни бағишлаб ўқувчилар ўртасида ўтказилган иншо ва расм чизиш кўрик-танлови туман халқ таълими бўлими ҳамда Қизил Ярим Ой жамиятининг Мирзо Улуғбек туман бўлими ҳамкорликларида уюштирилди.

● ЎЗБЕКИСТОН Давлат жисмоний тарбия институтида Халқаро СПИДга қарши кураш куни муносабати билан талабалар, ўқитувчилар иштирокида ўтказилган тадбир «Талабалар беллашуви» деб номланди.

(Ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ САККИЗИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси 2006 йил 30 ноябрь куни соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Обуна —2007

ҲАФТАДА БЕШ КУН — «ОҚШОМ» БИЛАН!

Қадрли оқшомхон! Маълумки, шу кунларда мамлакатимизнинг барча алоқа бўлимларида сиз севиб ўқийдиган "Тошкент оқшоми" газетасига 2007 йил учун обуна қизғин давом этмоқда. Буни, албатта таҳририятимизга сиз азиз муштарийларимиздан келаётган обуна билан боғлиқ хат-хабарлардан ҳам билса бўлади. Зеро, матбуотни ҳаётининг ажралмас қисми, мазмуни деб билган, унинг қадрига етган, республикамизда ҳамда жаҳонда рўй бераётган воқеа-ҳодиса ва янгиликлардан доимо хабардор бўлишни хоҳлаган инсон учун обуна масаласида ҳеч қандай баҳона ёки муаммо сабаб бўлолмайди.

40 йилдан ортиқ вақт ичида ўзининг содиқ, ихлосманд ўқувчилари даврасини йўқотмаган «Оқшом» таҳририяти ҳам келаси йил учун «теша тегмаган», «тахи бузилмаган» мақолаларни ўз ичига оладиган янги режаларни белгилаб қўйди. 2007 йилдан бошлаб газетхонни ўзига «тортадиган» янги-янги мавзудаги қизиқарли, ўқимишли мақолалар, ранг-баранг, ёрқин суратлар, билимингизни чархловчи кроссвордлар газета саҳифаларидан ўрин олади.

Шундай экан, азизлар, сизга ҳар доим энг яқин ҳамкор, ҳамфикр ва маслаҳатгўй бўлиб келган севимли нашрингизга обуна бўлишга шошилинг. Вақт ғанимат, Янги йилнинг биринчи кунидан бошлаб «Оқшом»ни хонадонингизда кутиб олинг.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг хабар беришича, 30 ноябрь куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, қор ёғади. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда эсаётган шамол кучайиб, секундига 15-17 метрга етади. Кечаси 1 даража совуқ билан 1 даража иссиқ, кундузи 1-3 даража иссиқ бўлади.

TOSHKENT SHAHAR UJMSH UYUSHMASI
АССОЦИАЦИЯ ТСЖ г.ТАШКЕНТА
UJMSHU

ХУЖМШ:

МЕНИНГ УЙИМ – МЕНИНГ МУЛКИМ

Ширкат — ибрат

БИРЛАШГАН ЎЗАР

НАФАҚАТ ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИДА, БАЛКИ ПОЙТАХТИМИЗДАГИ БИТТА КЎП ҚАВАТЛИ УЙДАН ИБОРАТ ХУСУСИЙ УЙ-ЖОЙ МУЛКДОРЛАРИ ШИРКАТЛАРИ ОРАСИДА АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ КЎЧАСИДА ЖОЙЛАШГАН 25-УЙДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН «СКОПЛЕ-КОММУНАЛЧИ»НИНГ ЎЗ ЎРНИ БОР. АЛБАТТА, БУ МУЛКДОРЛАРНИНГ ҲАР БИР ИМКОНИЯТДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШЛАРИ САМАРАСИ БЎЛИБ, ЭНГ МУҲИМИ ЭСА МАНА ИККИ ЙИЛДИРКИ, МУАММОЛАРНИНГ ЕЧИМИ ЎЗ ВАҚТИДА ТОПИЛАЁТГАНИ БОИС ҲАМ ЯШОВЧИЛАРДАН БИРОРТА ШИКОЯТ ТУШМАДИ.

Бунинг асосий боиси нимада? Албатта, барча ишларни тўғри тушуниб, муаммо келтириб чиқарадиган сабабларни бартараф этишда, яшовчиларнинг буюртмаларини ўз вақтида ҳамда сифатли бажаришга эътибор қаратишда. Бу борада ширкатда муаммо йўқ. Электрик ёки чилангар чақириш учун ширкат идорасига қўнғироқ қилишнинг ўзи етарли, ўша куниёқ маълум муддатда буюртма бажарилиб, носозлик бартараф этилади. Вазифалар аниқ белгиланган, ширкат раҳбар ва ходимлари зиммаларидаги масъулиятни ҳис этганлари боис ҳам муваффақиятларга эришилмоқда. Буни жорий йилда ўтказилган «Энг яхши хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати — 2006» республика кўрик - танловидаги муваффақиятдан ҳам билиб олса бўлади.


— Бу даражага эришиш учун анчагина саъй-ҳаракатлар қилинди, — дейди ширкат ижрочи директори Лобар Тўхтаева. — Ширкатимиз 2002 йилнинг апрелида ташкил топган эди. Турар-жой биносида 6 та кириш йўлаги бор. 1978 йилда бунёд этилган уй ҳақиқатдан ҳам таъмирталаб эди. Ўтган йилнинг сентябрига қадар ширкатнинг аввалги бошқаруви яшовчилар билан ҳамкорликда электр таъминоти тизимини яхшилаш, ертўладаги муҳандислик коммуникацияларини таъмирлаш, лифт тизимидаги проводкаларни алмаштириш, том ва кириш йўлакларини таъмирлаш бўйича белгиланган ишларни амалга оширган. Бир сўз билан айтганда, яшовчиларга қулай яшаш шароитлари яратилганди.

Бир қарашда ҳаммаси кўнгилдагидек, энди хотиржам қулайликлардан баҳраманд бўлиш мумкин эди. Чунки муҳим муаммолар ҳал қилинган, қолганларини эса йўлакай уддаласа бўлади. Бунинг учун эса муайян вақт ичида тўпланган тўловлар етарли эди. Лекин ўзини бошқарувнинг демократик усулларини афзал билувчи инсон сифатида кўрсатган бошқарув раиси кейинчалик бошқача усулга ўтиб олганидан ширкат аъзолари норози бўла бошлади. У бошқарув аъзолари билан маслаҳатлашмай қўйди, аҳолининг носозликларни тугатиш ҳақидаги буюртмаларига ҳеч қандай чора кўрмади. Шунинг баробарида турар жойнинг 1 квадрат метрига юқори таъриф белгилашга ва ширкатга яна бир неча уйни қўшиб олишга ҳаракат қилди. Шундан келиб чиқиб ширкатда вазият тескари томонга ўзгарди. Буюртмаларга эътиборсизлик носозликларнинг кўпайишига олиб келди, яшовчилар ҳам кириш йўлаклари аҳволига, уй атрофида тўпланиб бораётган ахлат уюмларига бепарволик билан қарайдиган бўлиб қолди: бир сўз билан айтганда, ширкат кун сайин таназзулга учраб борарди.

Бу ҳол узоқ давом этмади. Негаки уй аҳли бундай вазиятдан чиқишга ҳаракатни бошлади ва 2005 йил 3 сентябрда уй-жой мулкдорлари ширкати аъзоларининг умумий йиғилишида бошқарув раисини бўшатиб, кўпчилик овоз билан янги раисликка уйнинг 1-қаватида жойлашган дўкон раҳбари Анвар Раҳимовни сайлашди. Энг асосийси эса у аввалларги ҳам ширкат аъзоси сифатида уйдаги носозликларни бартараф этишга ҳар томонлама кўмак берарди.

Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг биринчи умумий йиғилишида яшовчилар янги бошқарув аъзоларини сайлашди. Янгидан уй ва йўлакбошилар ҳам сайланди. Ҳақиқатан ҳам «Бирлашган ўзар» деган халқ иборасини улар амалда исботлашди. Аҳвол чуқур ўрганилиб, энг биринчи галдаги вазифаларга эътибор қаратилди. Энг асосийси, қарздорликни бартараф этишга, тўловларни узлуксиз амалга оширишга аҳамият берилиб, ҳомийларни жалб этиб, молиялаштиришнинг бошқа усулларидан фойдаланиб коммунал хизматлар, фойдаланиш харажатлари ва бошқа чиқимлар учун 6 миллион сўмлик қарздорлик бир йилда тугатилди. Секин-аста ширкатнинг молиявий аҳволи изга тушди.





Албатта, ширкат бу ўзлари эканлигини яшовчилар ҳам англаб етишмоқда, уйлари кўркидан ўзлари ҳам қувонишмоқда. Жорий йилда шаҳар ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси кўмагига таянган ҳолда иссиқлик узатиш, совуқ ва иссиқ сув тизимлари тўла таъмирланди, ободонлаштиришга эътибор кучайтирилиб, уй атрофи асфальтланди. Ширкат офиси қурилиб, компьютер ва бошқа керакли жиҳозлар билан таъминланди. Эндиликда яшовчилар ҳам уйларини сақлаш учун ойлик тўловларни вақтида бажаришмоқда.

Ширкатнинг ривожланиш истиқболларини биргаликда белгилашаётган мулкдорлар умумий йиғилишларда ўзларини анчадан бери қийнаётган муаммо — иситиш тизимини яхшилаш, марказий иситиш тизимидан мустақил бўлиш мақсадида кичик қозонхона қуришга қарор қилишган эди. Саъй-ҳаракатлар натижасида ушбу қозонхона яқинда ишга тушди ва муаммо ўз ечимини топди.

Ширкатнинг муваффақиятли иш юритишида яшовчилар билан баҳамжиҳат иш олиб бораётган бошқарув раиси Анвар Раҳимов, бош муҳандис Очил Мардонов, уйбоши Карима Қосимова, йўлакбошилар Лида Цой, Валентина Капустина, чилангар Ғани Акбаров, қозонхона оператори Маҳкам Ўроқов, фаррош Умида Валиевалар нинг муносиб ҳиссаларини таъкидлаш лозим. Асосийси, бошқарув аъзолари яшовчиларни кўплаб масалалар ечимига жалб этади. Шунингдек, рағбатлантиришлар ҳам самара бермоқда. Масалан, уйбоши ва йўлакбошилар фойдаланиш харажатлари тўловларида имтиёзлардан фойдаланишади. Бу ҳол ўз самарасини бериб, уларни сидқидилдан фаолият юритишга ундамоқда. Кам таъминланган ва кўп болали оилаларга Ҳомийлар ва шифокорлар йилида 300 минг сўмлик ёрдам кўрсатилганини ҳам айтиш лозим.

— Бизнинг барча ишларимизга, эришаётган муваффақиятларимизга Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги, шаҳар Уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси яқин кўмакчи бўлса, — дейди Лобар Тўхтаева, — доимий ҳомийимиз «Скопле» дўкони ҳимматидан ҳамиша мамнунмиз. Келгусида эса ютуқларимизни янада мустаҳкамлаб, уйимизни шаҳарда энг намунали кўп қаватли турар жой бинолари қаторида бўлишини таъминлаймиз. Бу борада, албатта яшовчилар ва ширкат ҳамжиҳатлиги муҳим аҳамият касб этади.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТЛАРДА: ширкат фаолиятидан лавҳалар.
Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

Конституциямиз яшамоқда ва амал қилмоқда

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ — БОШ МАҚСАД

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИБ, ЎЗИНИНГ МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРИ ВА АҚЛИЙ САЛОҲИЯТИНИ ТИКЛАШ, ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАРДА ТУБ ЎЗГАРИШЛАР, ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯНИ КЎЗДА ТУТГАН ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ПОЙДЕВОРИНИ ҚУРИШ ДАВРИГА ҚАДАМ ҚЎЙДИ. БУ МАҚСАДНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН АВВАЛО ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ СИФАТИДА БЕЛГИЛАШ ВА УЛАРГА РИОЯ ҚИЛИНИШИНИ КАФОЛАТЛАШ ЛОЗИМДИР.

Республикамизда ушбу эзгу мақсадни амалга ошириш борасида изчиллик билан ислоҳотлар олиб борилмоқда. Энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида демократия инсонийлик принципларига асосланиши, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият эканлиги /13-модда/ ҳамда фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқий эркинликлари дахлсизлиги, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч кимнинг ҳақли эмаслиги /19-модда/нинг белгиланиши инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш борасида муҳим асос яратади.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари айниқса, жиноий судлов фаолиятида жуда муҳим аҳамиятга эга. Чунки айнан жиноий судлов фаолиятида шахс ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқ жиддий чоралар қўлланиши мумкин. Шу сабабли ҳам жиноят ишларини юритиш жараёнида шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи ҳозирги даврда барча мамлакатларда долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш аввало, инсонийлик қадриятларига бориб тақалади.

1948 йил 10 декабрда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси»да шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жумладан жиноят ишларини юритишда ҳам ҳимоя ҳуқуқини таъминлашга оид бир қанча нормалар белгиланган. Жумладан, мазкур декларациянинг 8-моддасида «Ҳар бир инсон мабодо унинг Конституция ёки қонун белгилаб қўйган асосий ҳуқуқлари бузилгудек бўлса, нуфузли миллий судлар томонидан ўз ҳуқуқларининг самарали тарзда тикланиши ҳуқуқига эгадир», деб белгиланган. Шунингдек, декларациянинг «Ҳар бир инсон унинг ҳуқуқлари ва бурчларини белгилаш ва унга қўйилган жиноий айбнинг нечоғлик асосланганлигини аниқлаш учун батамом тенглик асосида ўз ишини ошкора, адолатнинг барча талабларига риоя этилиб, мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқига эгадир», деб қайд этилган. 10-моддасида: «Ҳеч ким инсоннинг шахсий ёки оилавий ҳаётига ўзбошимчалик билан аралашиши, инсоннинг уй-жой дахлсизлигига, унинг хатларидаги сирларига ёки ор-номуси ва шаънига ўзбошимчалик билан тажовуз қилиши мумкин эмас. Ҳар бир инсон ана шундай аралашиш ёки ана шундай тажовуздан қонун йўли билан ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эгадир», деб белгиланган.

Мустақилликка эришгач, Ўзбекистон умуминсоний қадриятларнинг устуворлигини эътироф этиб, уларга амал қилишини билдирди. Жумладан, Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси ҳам ратификация қилиниб, миллий қонунчилигимизда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари, меъёрлари ўз аксини топди.

Мазкур умуминсоний қадриятлар аввало, мамлакатимизнинг Асосий Қонуни бўлмиш Конституциянинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари белгиланган 7-бобида ўз аксини топган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасида «Жиноят содир этганликда айбланган ҳар бир шахснинг иши судда, қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади», дейилиши ҳимоя ҳуқуқининг олий даражада таъминланганлигини билдиради.

Конституциянинг 116-моддасида эса айбланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланиши, тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатлари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасига кўра, ҳимоя ҳуқуқи фақат «Судда айбланаётган шахсга» берилган. Конституциянинг 116-моддасига биноан эса бу ҳуқуқ «айбланувчига» тегишли. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал Кодекси /ЖПК/ бу борада жиддий қадам қўйиб, хатто гумон қилинувчига ҳам бу ҳуқуқни кафолатлайди. Лекин амалиётда, ҳимоя ҳуқуқидан тўла ва самарали фойдаланиш учун шарт-шароитларни кенгайтириб бориш зарурати сезилмоқда. Ҳимоя ҳуқуқини кенгроқ тарзда амалга ошириш Инсон Ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси /15-модда/ ҳамда Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт /7-модда/ талабларига тўла жавоб беради.

Ҳимоя ҳуқуқи, уни амалга оширишнинг кафолатланиши билан ҳақиқий ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлади. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 24-моддасида суриштирув органлари, терговчи, прокурор ва суд гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчига унга берилган ҳуқуқларини тушунтириб бериши ҳамда у ўзига қўйилаётган айбловдан ҳимояланиш учун қонунда назарда тутилган барча восита ва усуллардан фойдаланишда ҳақиқий имкониятга эга бўлишига қаратилган чора-тадбирлар кўриш мажбурияти юклатилганлиги жиноят процессуал қонунчилигимизда ҳимоя ҳуқуқини таъминлашга қаратилган муҳим кафолатдир.

Шундай қилиб, жиноят ишларини юритиш жараёнида ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш деганда, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг қонуний воситалар ва усуллар билан ҳимояланиш ҳуқуқи ва уни қонунда кафолатланганлик даражаси тушунилади.

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлаш деганда, уларнинг қўйилган айбловдан ўзи томонидан ёки ҳимоячи ёрдамида ҳимояланиш ҳуқуқини берувчи барча процессуал ҳуқуқлар йиғиндиси тушунилади.

Камолиддин МИРЗААҲМЕДОВ,
ҳуқуқшунос

КИШИДА БИЛИМ, УҚУВ ВА ТАЖРИБА БЎЛСА, ҲАР БИР ИШИДА МУВАФФАҚИЯТГА ЭРИШАДИ, КЎЗЛАГАН МАҚСАДЛАРИ ИЖОБАТ БЎЛИБ, САМАРА БЕРАВЕРАДИ. 15 ЙИЛДАН БУЁН УЙ-ЖОЙ-КОММУНАЛ СОҲАСИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТИБ, ЕТАРЛИ ТАЖРИБА ТЎПЛАГАН, СОҲА СИР-АСРОРЛАРИНИ МУКАММАЛ ЭГАЛЛАГАН ЭШОНҚУЛ РЎЗИЕВ УЙ-ЖОЙ МУЛКДОРЛАРИ ШИРКАТЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ИШЛАЙДИГАН, УЛАРНИНГ БУЮРТМАЛАРИНИ ШАРТНОМА АСОСИДА СИФАТЛИ БАЖАРАДИГАН ПРОФЕССИОНАЛ БОШҚАРУВ КОМПАНИЯСИНИ ТАШКИЛ ЭТАР ЭКАН, ИМКОНИЯТЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШНИ РЕЖАЛАДИ.

Миробод туманидаги «Қўйлиқ-2» даҳасида жойлашган «Олмазор» маҳалласида жорий йил сентябридан иш бошлаган профессионал бошқарув компанияси — «Добус-коммунал» деб номланди ва 20 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига хизмат кўрсатишни зиммасига олди.

— Ушбу ширкатларнинг ҳаммаси биттадан кўп қаватли уйдан иборат бўлиб, мавжуд 1059 та хонадонда 2700 нафар аҳоли истиқомат қилади, — дейди компания директори Эшонқул Рўзиев. — Бунинг энг қулай томони шундаки, ҳар бир уйнинг ўз ҳисоб рақами, ширкат раиси бўлиб, яшовчилар ўзлари тўплаган пуллари фақат яшаётган турар жой бинолари ободлигига, аҳолига намунали шароитлар яратишга сарфланаётганини аниқ билишади. Компаниямиз эса 14 та малакали мутахассисни бирлаштирган бўлиб, ширкатларни бошқариш ва таъмирлаш ишларида кўмак берамиз. Ширкатни бошқариш ҳамда техник хизмат кўрсатиш учун 2 та шартнома асосида иш юритамиз. Ширкатлардаги бухгалтерия ҳисобини юритишда малакали ҳисобчиларимиз, техник хизмат кўрсатиш ишларида бош муҳандис ҳамда моҳир чилангар, газ пайвандчи, электрчиларимиз фаолият юритади. Илгари ўзим юқоридаги кўп қаватли уйларда ширкат бошқаруви раиси бўлиб ишлаганим боис ҳам бинолар ҳолатини, яшовчилар аҳволини жуда яхши биламан. Биз ҳозирги ишимизда биринчи навбатда сифатга эътибор қаратамиз. Негаки айни пайтда ширкатлар танлаш ҳуқуқига эга бўлиб, ўзлари хоҳлаган компания билан шартнома асосида ишлаши мумкин. Бизнинг самарали фаолият юритишимизда уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси, маҳалла фуқаролар йиғини раиси Антонина Стенушкина, ширкатлар раислари катта ёрдам беришмоқда, ҳамжиҳатлик қилишмоқда. Бундан ташқари ширкатларни бошқаришда раислардан маслаҳатларимизни аямаймиз. Асосийси эса аҳолининг ширкатдаги фаоллиги ошмоқда, мулкдорликни ҳис этмоқда.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаш ўринлики, битта кўп қаватли уйдан иборат ширкатларнинг ҳамёни ўз қўлида: тўловлар тўлиқ амалга ошса, кўзланган ишлар сифатли бажарилади. Шу боис бўлса керак, қарздорлик ҳам камайиб бормоқда. Қисқа давр мобайнида компания мутахассислари томонидан 14 та турар жой биносининг томи таъмирланди, 74 та кириш йўлаклари таъмирдан чиқарилиб тегишли таъмир эшиклар ўрнатилди. Айрим кундалик буюртмаларни ҳисобга олмаганда компания хизмат кўрсатаётган уйларда муаммолар йўқ. Чунки деярли ҳар кунги иш якунида бажарилган ишлар назорат қилинади, ширкат раисларининг фикр-мулоҳазалари ўрганилади. Бу борада фаол ширкат раҳбарларидан Манзура Рўзматова (1-уй), Кира Леванова (6-уй), Альфина Гайфулина (7-уй), Юрий Сапатов (11-уй), Юрий Аветисович (13-уй), Шаҳноза Гулматова (21-уй), Гуля Шомгулова (31-уй) ларнинг ишларини, компания билан ҳамжиҳатлигини алоҳида таъкидласа бўлади. Ана шу ҳамжиҳатлик эса уйларни асраш ва сақлашда, ободонлаштиришда кўзга ташланмоқдаки, бундан яшовчилар ҳам баҳра олишмоқда. Уларга яхши яшаш шароитлари яратилмоқда.

— Бугунги рақобатли бозор шароитида буюртмачи талабига жавоб берган, сифатни ўз ишида асосий мезон санаган жамоагина ривожланади ва мижозлар ишончини қозонади, — дейди Эшонқул Рўзиев. — Шу боис ҳам режаларимиз кўп. Компанияни кенгайтириш, сафларимизни тезкор ва малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш, ҳамкор ширкатлар сонини кўпайтириш, энг асосийси эса кўп қаватли турар жой биноларида яшовчиларга қулайлик яратишда, уйлар кўркини оширишда, хизмат сифатини кўтаришда муваффақиятларга эришишдир. Албатта, кўрсатган хизматимизга қараб, ширкатлар бизни танлашларини унутмаслигимиз лозим.

Шарофат БАҲРОМОВА

СИФАТ БОШ МЕЗОН БЎЛСА

КЎНГИЛ ҲАМ ТЎЛАВЕРАДИ

Профессионал бошқарув компаниялари фаолиятидан

ТЕЗ ВА СОЗ БАЖАРИШМОҚДА

2005 ЙИЛДА МАМЛАКАТНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ВА 2006 ЙИЛДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН УСТУВОР МАСАЛАЛАРДАН БИРИ — УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЭКАНЛИГИНИ ТАЪКИДЛАБ ЎТДИЛАР.

Бу борадаги қилиниши керак бўлган вазифалар хусусида тўхталиб, жумладан «Уй-жой-коммунал хизматлар соҳасини ислоҳ қилиш яна бир ўта муҳим масалани — коммунал хизматлар, пудрат ва таъмир ишлари бозорларини шакллантириш масаласини ҳал этишни талаб қилмоқда, — дедилар. — Токи бозорда рақобат юзага келмас экан, ҳар бир ширкат бир неча пудратчи орасидан энг мақбулини танлаш, у билан таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини бажариш юзасидан шартнома тузиш имкониятига эга бўлмас экан — бу соҳадаги мавжуд аҳволни ўнглаш қийин».

Айни кунларда ана шуни ҳисобга олган ҳолда шаҳримизда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари сони 2550 тадан зиёдни ташкил этмоқда. Айниқса, битта кўп қаватли уйдан иборат ширкатлар тузилиб, уларнинг фаолиятидаги афзалликлар уйларни сақлашда, обод этишда намоён бўлмоқда. Ширкатларнинг кўпчилиги профессионал бошқарув компаниялари билан шартнома асосида ишламоқда. Бугунга келиб ана шундай ўз хизматларини таклиф этаётган ва кўп қаватли уй-жойлар ободлигига, яшовчиларга қулайлик яратишда фаоллик кўрсатаётган, малакали мутахассисларига эга бўлган профессионал бошқарув компаниялари пойтахтимизнинг барча туманларида ташкил этилган бўлиб, уларнинг сони 50 тадан ортиб кетди. Шуни таъкидлаш ўринлики, масъулияти чекланган жамияти тарзидаги ушбу компаниялар Таъсис шартномаси ва Устав асосида ҳамда бошқарув компанияси иштирокчиларининг маблағларини бирлаштириш асосида ишлаб чиқариш, тадбиркорлик, тижорат ва бошқа турдаги хўжалик фаолиятини юритиш мақсадида ташкил этилади. Компаниянинг фаолият муддати чекланмаган бўлиб, асосий мақсади уй-жой соҳасида кўчмас мулк мулкдорларига ёки мулкдорлар томонидан ваколат берилган органлар, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатига, кўп квартирали уйлардаги турар жой ва нотурар жой мулкдорларига ҳамда бошқа ташкилотлар ёки шахсларга кўчмас мулкни бошқариш соҳасида хизмат кўрсатиш орқали даромад олишдан иборатдир.

Уй-жой мулкдорлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаб, ўз фаолиятларини тўғри ташкил этиб, намунали хизмат кўрсатаётган «Бектемир-коммунал сервис», «Камалак идеал сервис» (Бектемир тумани), «Добус-коммунал» (Миробод тумани), «Арго-Тадас», «Чилонзор коммунал сервис», Ёш коммуналчи сервис» (Чилонзор тумани), «Олтинсой таъмир сервис», «Қорасув-фаровон» (Мирзо Улуғбек тумани), «Аветис строй сервис» (Юнусобод тумани) сингари масъулияти чекланган жамиятларини алоҳида таъкидлаш ўринли. Ушбу жамоаларда меҳнат қилаётган моҳир мутахассислар буюртмаларни тез ва соз адо этишга, сифат ва самарадорликка алоҳида эътибор қаратишмоқда.

(Ўз мухбиримиз)

Сўранг, жавоб берамиз

УМУМИЙ МОЛ-МУЛК

Кўп хонадонли уйларда умумий мол-мулкка нималар киради? Ўша умумий мол-мулкни сақлаш ва бошқариш, унга хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш қандай амалга оширилади?

Шоҳида Алиева,
Мансур Алиев,
ширкат мулкдорлари.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонунида шундай кўрсатилган:

Кўп квартирали уйнинг умумий жойлари, таянч ва тўсиқ конструкциялар, квартиралар оралиғидаги иҳоталанган (ўралма) пиллапоялар, зинапоялар, лифтлар, лифтнинг шахталари ва бошқа шахталар, даҳлизлар, техник қаватлар, ертўлалар, чердаклар ва томлар, уй ичидаги муҳандислик тармоқлари ва коммуникациялари, жойлар ташқарисида ёки ичида жойлашган ва биттадан ортиқ жойга хизмат кўрсатадиган механик, электр, санитария-техника ускуналари ва қурилмалари ҳамда бошқа ускуналар ва қурилмалар умумий мол-мулк ҳисобланади.

Умумий мол-мулкни сақлаш уни бошқаришни, техник ва санитария ҳолатини сақлаб туришни (хизмат кўрсатишни), таъмирлашни ҳамда мол-мулкни асрашга ва ундан фойдаланиш бўйича зарур шароитлар яратишга қаратилган барча фаолиятни қамраб олади.

Умумий мол-мулкни бошқариш: ширкатнинг бошқариш органлари; бошқарувчи (ижрочи директор) — жисмоний шахс, шу жумладан, якка тартибдаги тадбиркор; бошқарувчи ташкилот — ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги юридик шахс томонидан амалга оширилиши мумкин. Бошқарувчи (ижрочи директор) ёки бошқарувчи ташкилот умумий мол-мулкни ширкат билан тузилган шартнома асосида берилган ваколатлар доирасида бошқаради.

Умумий мол-мулкка хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш бўйича фаолият ширкат, жой мулкдорлари, пудратчилар (юридик ёки жисмоний шахслар) томонидан амалга оширилиши мумкин. Пудратчилар умумий мол-мулкка хизмат кўрсатишни ва уни таъмирлашни ширкат, бошқарувчи (ижрочи директор) ёки бошқарувчи ташкилот билан тузилган шартномалар асосида амалга оширади.





Танловлар

НОМЗОДЛАР САРАЛАНДИ

МАМЛАКАТИМИЗДА СЕВИМЛИ ШОИРАМИЗ ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ ТАЪСИС ЭТИЛГАНДАН БУЁН ҲАР ЙИЛИ УШБУ МУКОФОТГА НОМЗОДЛАРНИ САРАЛАШ БЎЙИЧА «ЗУЛФИЯХОНИМ ҚИЗЛАРИ» ТАНЛОВИ ЎТКАЗИБ КЕЛИНМОҚДА. АЙТИШ ЖОИЗКИ, МАЗКУР МУКОФОТГА НОМЗОДЛАР САФИ ЙИЛДАН-ЙИЛГА ОРТИБ БОРМОҚДА.

Шуни таъкидлаш керакки, мамлакатимизда Зулфияхоним номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилгани беҳиз эмас. Чунончи, Зулфия жамиятнинг барча соҳаларида фаол иштирок этаётган хотин-қизларнинг ижодий меҳнати, қувончу ташвишларини жўшиб куйлаган шоира, адабиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшган публицист, жаҳон адабиётининг буюк намояндалари ижодини ўзбек тилига ўгирган моҳир таржимон сифатида бундай мақомга муносибдир. Мазкур мукофот аёлни муқаддас билиш, унга алоҳида эҳтиром кўрсатиш, озод ва обод юртимиз келажаги бўлган ҳар томонлама етук ёшларни тарбиялашдаги беқиёс ўрнини яна бир бор эътироф этиш, баркамол, оқила хотин- қизлар авлодини вояга етказиш, улар орасидаги иқтидорли ёшларнинг адабиёт, санъат, маданият, фан ва таълимни ривожлантиришдаги ютуқлари, тенгдошларининг миллий истиқлол ғоялари ва маданий-маънавий қадриятларга эътиқодининг юксалиши йўлидаги ибратли фаолияти, кенг кўламли ислоҳотларни жадаллаштиришдаги фаол иштирокини рағбатлантириш мақсадида таъсис этилган.

Куни кеча Ўзбек Миллий академик драма театрида Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодларни саралаш бўйича «Зулфияхоним қизлари» кўрик-танловининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Саҳнага йиғилганларнинг олқишлари остида танлов иштирокчилари бўлган оқила, доно ва лобар қизлар чиқишди. Саҳна тўрида эса севимли шоирамиз Зулфияхоним сурати орқали қизларни майин кулимсираган ҳолда мамнун кузатиб тургандек эди гўё.

Танловда Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова сўзга чиқиб, барча иштирокчиларни мана шундай нуфузли ва фахрли Давлат мукофотига номзодлик бўйича танловда иштирок этаётганликлари билан самимий муборакбод этиб, уларга омадлар тилади. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, икки кун олдин Тошкент шаҳар ҳокимлигида танловнинг фан ва таълим йўналишларидаги шаҳар босқичи ўтказилган эди. Бугунги танловда эса адабиёт, санъат ва маданият йўналишларида иштирок этаётган қизларнинг ҳар бир чиқишлари нуфузли ҳакамлар ҳайъати аъзолари томонидан муносиб баҳолаб борилди. Танлов иштирокчилари орасида адабиёт йўналишида қалам тебратаётган истеъдодли ёш ижодкор қизларнинг мазмунли шеърлари, ёш иқтидорли дизайнер қизларнинг дид ва маҳорат билан тайёрлаган либослар кўргазмаси, яна бошқа бир ижодкор қизнинг ифодали ўқиган монологи, яна бошқа қизларнинг маҳорат билан ижро этган қўшиқлари, гўзал рақслари йиғилганларнинг эътиборини тортмай қўймади. Чунончи танлов иштирокчиларининг бари бирибиридан доно, оқила, катта истеъдод эгалари эканлиги ёркин намоён бўлди.

— Дарҳақиқат, бешта йўналиш бўйича иштирокчи қизларнинг ҳар бир чиқишларини кузатиб, ниҳоятда хурсанд бўлдик,—дейди Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таълим бўйича шаҳар комиссияси раиси педагогика фанлари доктори, профессор Қумри Абдуллаева.— Бундай фахрли мукофотга номзод бўлишнинг ўзи қизлар учун катта бахт, деб ўйлайман. Бу қизлар Зулфияхоним издошлари, уларнинг истеъдодлари, ўткир билимлари, ижодкорликларини кўриб,мамлакатимизда мана шундай иқтидорлар сони йилдан йилга ортиб бораётганлиги барчамизни қувонтиради. Зеро мустақил Ўзбекистонимизнинг янада гуллаб-яшнаши, тараққиётига мана шундай истеъдод эгалари муносиб ҳисса қўшадилар. Бундай қизлар билан фахрланишимиз керак албатта.

Тантанали ўтган танлов якунида «Зулфияхоним қизлари» танловининг шаҳар босқичи иштирокчилари Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси томонидан Фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари ва гуллар билан тақдирландилар.

Дилором ИКРОМОВА

СУРАТЛАРДА: «Зулфияхоним қизлари» кўрик-танловининг якуний шаҳар босқичидан лавҳалар. Наталья Семёнова олган суратлар.

МУСТАҚИЛЛИК ТУФАЙЛИ МАМЛАКАТИМИЗДА ЁШЛАРНИНГ ҲАР ТОМОНЛАМА КАМОЛ ТОПИБ, ЧУҚУР БИЛИМ ОЛИШЛАРИ, ҲУНАР ЭГАЛЛАШЛАРИ УЧУН БАРЧА ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛГАН. БУГУНГИ КУНДА ҲАР БИР СОҲАДА ИҚТИДОРЛИ, ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАР САФИ ОРТИБ БОРМОҚДА. БУНДАЙ ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАБ, УЛАРНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ БОРАСИДА САМАРАЛИ ИШЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА.

Тақдимот

ИҚТИДОРЛАР БЕШИГИСАН, ОНА ЮРТ!

Яқинда Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси, ижтимоий йўналишдаги Республика махсус гимназияси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан «Иқтидорлар бешигисан, она юрт!» деб номланган тадбир бўлиб ўтди. Мазкур тадбирда ёш иқтидорли қизлар Камола Шарафиддинованинг «Мен бобомга сўз берганман», Гулноза Каримованинг «Илк қадам» китобларининг тақдимоти ҳамда ёш дизайнер Мафтуна Ғаниеванинг янги миллий либослари намойиши ўтказилди.

Тадбирда Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов сўзга чиқиб, мустақиллигимиз билан тенгдош бўлган иқтидорли қизларни илк китоблари билан муборакбод этаркан, улар янги даврнинг бахтиёр фарзандлари эканликларини, бундан буён яна ҳам кўпроқ билим олиб, изланиб, баракали ижод қилишларини, илҳомнинг қанотидан маҳкам ушлаб, қалбларидаги шиддат чўғини ҳеч қачон сўндирмасликни таъкидлаб,уларга оқ йўл тилади. Шунингдек, тадбирни олиб борган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоира Умида Абдуазимова, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси Назира Абдуазизова, «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси раиси Амирқул Каримов ва ижод майдонига қадам қўяётган ёшларнинг устозлари ҳам сўзга чиқиб, қизларнинг ижоди ҳақида фахрланиб гапирдилар.

Дарҳақиқат, ёш ижодкор Камола Шарафиддинова «Мен бобомга сўз берганман» номли илк китобида она Ватанга муҳаббат, буюк аждодлар меросига садоқат, юртимиз тараққиёти ва унинг гуллаб-яшнашида хизмат қилаётган фидойи, меҳрибон ота-оналар ҳақида беғубор туйғулари ила самимий мулоҳаза юритган. Ёш шоира Гулноза Каримованинг илк тўпламидан ўрин олган шеърий машқларини ўқир экансиз, унинг замон ва ҳаёт, беғубор болалик ҳақидаги ўз қарашларини гоҳ ўйчан, гоҳ қувноқ оҳангларда ифодалаганлигини кузатасиз. Тақдимот маросимида сўзга чиққанлар адабиёт ва шеърият гулшанига интилаётган бу нав-ниҳол қизларга ижодий парвозлар тилашди. Тадбирда ИИВ ҳомийлигидаги мактаб-интернатнинг фаол ўқувчилари ҳам қатнашиб, ўзлари ёзган шеърлардан ёд олдилар. Шунингдек, иқтидорли ёш дизайнер Мафтуна Ғаниеванинг янги миллий либослари намойиши ҳам йиғилганлар эътиборини тортди.

(Ўз мухбиримиз)

ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ

(Давоми. Боши ўтган сонларда).



Тўққизинчиси — раият аҳволидан огоҳ бўлдим, улуғларини оға қаторида, кичикларини фарзанд ўрнида кўрдим. Ҳар ернинг табиати, ҳар эл ва шаҳарнинг расму одатлари, мизожидан воқиф бўлиб турдим. Ҳар бир ўлка ва шаҳар аҳолисининг ашроф-улуғлари билан дўст тутиндим. Уларнинг мизожларига, табиатига тўғри келган, ўзлари тилаган одамларни уларга ҳоким қилиб тайинладим. Ҳар бир диёр аҳолисининг аҳволидан огоҳ бўлиб турдим. Ҳар бир мамлакатнинг аҳволини, сипоҳу раият кайфиятини, туриш-турмушини, қилиш-қилмишларини, булар ўрталаридаги алоқаларни хатга битиб, менга билдириб туришлари учун диёнатли, тўғри ёзувчи кишиларни белгиладим. Бордию эгри ёзганлари менга билдирилса уларни жазолардим. Ҳокимлару сипоҳдан қай бирининг халққа жабр-зулм етказганини эшитсам, уларга нисбатан дарҳол адолату инсоф юзасидан чора кўрдим.

Ўнинчидан — турку тожик, арабу ажамнинг турли тоифа ва қабилаларидан бўлган ва менинг паноҳимга кирган кишиларнинг улуғларига ҳурмат кўрсатдим, қолганларини ҳам ўз ҳолига яраша сийладим. Яхшиларига — яхшилик қилдим, ёмонларини эса ўз ёмонликларига топширдим.

Ким менга дўстлик қилса қадрладим, унутмадим ва унга мурувват, эҳсон, иззату икром кўрсатдим. Кимки менинг хизматимни қилса, хизмати ҳаққини адо этдим. Кимки менга душманлик қилса-ю, кейин пушаймон бўлиб, илтижо билан ҳимоя истаб, тиз чўкиб ҳузуримга келса, душманлигини унутиб, мурувват ва дўстлик кўрсатдим. Чунончи, улус амири Шер Баҳром аввал менга ҳамроҳ эди, бошимга иш тушганда мени ташлаб кетди ва душманларимга қўшилди, менга қарши қилич кўтарди. Охири берган тузим ҳаққи тиз уриб, яна илтижо қилиб келди. Асл эр-йигит экани ва жанг-жадал билан суяги қотган мардлардан бўлганлиги сабабли ёмон ишларининг ҳаммасидан кўз юмдим. Ҳузуримга келгач, ўзини ҳурматлаб, мартабасини оширдим. Уни марду мардоналиги учун кечирдим.

Ўн биринчиси — фарзандлар, қариндошлар, ёру биродарлар, қўшнилар ва мен билан бир вақтлар дўстлик қилган барча одамларни давлату неъмат мартабасига эришганимда унутмадим, [молу мулк ва нақд пул билан] ҳақларини адо этдим. Ўз фарзандларим, қавму қариндошларимдан қариндошлик меҳрини узмадим. Улардан нораво иш ўтган бўлса, дарҳол [кўл-оёғини] боғлаб, ўлдиришга буюрмадим. Ҳар кимни [туриш-турмушнинг пасту баландларида] турли йўллар билан синаб билиб олдим ва уларга шунга яраша муомала қилдим. Ҳаётнинг кўп иссиқ-совуғини кўриб, улардан сабоқ олиб, тажрибамни оширдим. Шунинг учун дўсту душман билан келишиб яшадим.

Ўн иккинчиси — дўст-душманлигига қарамай, ҳар жойда сипоҳийларни ҳурмат қилдим, чунки улар боқий мато бўлган жонларини фоний дунё моли учун сотадилар. Ўзларини маърака-майдонга, ҳалокатга отиб, жонларини қурбон қиладилар.

Агар ғаним сипоҳидан бирор кимса ўз валинеъматига сидқидилдан хизмат қилиб уруш кунларида менга қарши қилич кўтарган бўлса ҳам, ундай одамга нисбатан лутф-марҳаматлар кўрсатдим. Қошимга [паноҳ истаб] келганда, уни қадрлаб, ишончини қозондим, вафодорлиги ва ҳақиқат билан хизмат қилишига ишондим.

Қайси бир сипоҳий туз ҳақи ва вафодорликни унутиб, хизмат вақтида ўз эгасидан юз ўгириб, менинг олдимга келган бўлса, ундай одамни ўзимга энг ёмон душман деб билдим. Чунончи, Тўхтамишхон билан бўлган урушда унинг амирлари менга хабарлар ва шикоятлар ёзиб, ўз ҳукмдори, яъни менинг душманим бўлмиш Тўхтамишхон берган туз ҳақини унутдилар. Вафодорлик ва ҳақиқатни бир чекка йиғиштириб қўйиб, менинг ҳузуримга паноҳ истаб келганлари учун уларни лаънатладим, ўзимча, «булар ўз соҳибига вафодорлик қилмагач, менга қилармиди?» деб ўйладим.

Яна тажрибамда кўриб билдимки, давлат агар дину тўра ва тузук асосида мустаҳкамладим. Салтанатни бошқаришимда учраган ҳар қандай воқеа ва ишни тўра ва тузук асосида адо этдим.

Дилимнинг машриқидан кўтарилган биринчи тузук шундан иборат бўлдики, ислом динини ёйиб, Муҳаммад, унга Тангрининг марҳаматлари ва саломлари бўлсин, шариатини қувватладим. Жаҳоннинг турли мамлакатлари, катта ва кичик шаҳарларида ислом динини ва одамларнинг энг хайрлиси (ҳазрати Муҳаммад пайғамбар)нинг тўғри йўлларини тарғиб этдим. Ўз салтанатимни шариат билан безадим.

Равшан динга ривож беришда қўллаган биринчи тузугим шу бўлдики, саййидлар орасидан лаёқатли биттасини аҳли исломга бошлиқ-садр этиб тайинладим. Тамом вақфларни[1] бошқариш ва назорат қилиш учун мутавалли танлашни, ҳар бир шаҳар ва вилоятда қози, муфтий, муҳтасиб тайинлашни унинг ўзига ҳавола қилдим. У саййидлар, уламо, шайхлар ва бошқа арбобларга суюрғол[2] белгилаб, ҳар бирининг вазифасини тайин қилсин, дедим.

Лашкар учун махсус қози ва раият учун алоҳида қози тайинладим; ҳар мамлакатга шайхулислом юбордимки, токи мусулмонларни гуноҳ ишлардан қайтариб, уларни яхши ва савоб ишларга ундасин. Ноибларимга ҳар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар, хонақоҳлар қуришни, йўловчи мусофирлар учун йўл устига работлар солишни, дарёлар устига кўприклар қуришни буюрдим.

Мусулмонларга диний масалалардан таълим бериб, шариат ақидалари ва ислом дини илмларидан тафсир, ҳадис, фиққдан дарс берсинлар деб, ҳар бир шаҳарга олимлар ва мударрислар тайин қилдим.

Турли мамлакатлардаги садрлар ва қозиларга шариатнинг асосий талаблари қандай бажарилаётганлиги хусусида менга хабар қилиб туришларини буюрдим. Шунга ўхшаш ҳар эл ва ҳар шаҳарда сипоҳ ва раият орасида урф-одатларга оид жанжалли ишлар ҳақида менга маълумот бериб турсин, деб адолат амирини тайинладим.

(Давоми бор).

1 ***Вақф*** *– подшоҳ ва бой-бадавлат кишилар тарафидан масжидлар, хонақоҳлар, мозорларга ёки айрим йирик дину тариқат арбобларига, уларнинг маоши учун берилган ер-сув, мол-мулк.*

2 ***Суюрғол*** *– иньом, совға (ер, мол-мулк).*

Нуронийларимиз

УМРНИНГ ЗАВҚЛИ ЛАҲЗАЛАРИ

ЎТГАН АСРНИНГ САКСОНИНЧИ ЙИЛЛАРИДА ДЕВОРГА ОСИЛАДИГАН ЙИРТМА ЎЗБЕКЧА ТАҚВИМНИ НАШР ЭТИШДА ЖОНБОЗЛИК КЎРСАТГАН НОШИРНИ БИЛАСИЗМИ?..МАШҲУР ҚОРА ДЕНГИЗ СОҲИЛЛАРИДА БУНЁД ЭТИЛГАН ПИЦУНДА ОРОМГОҲИДА ДАМ ОЛАЁТГАН ХОРИЖЛИКЛАРГА ЎЗБЕК ПАЛОВИНИ МАНЗУР ҚИЛА ОЛГАН ИЖОДКОР КИМ ЭКАНЛИГИДАН ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?..



Юқорида таърифини келтирган бу ажойиб ҳамшаҳримиз бутун ҳаётини ўзбек журналистикаси ривожига заҳматкашлик билан бахшида этган, бугунги кунда садоқатли ва меҳрибон умр йўлдоши Наирахон ая билан нуронийлик гаштини сураётган инсон — Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Абдусамад ака Обидхўжаев бўладилар.

Сўзларини тинглаб, фақат завқ ва шавқ оладиган дилкаш инсон Абдусамад ака билан суҳбатимиз ўтган асрнинг эллигинчи йилларида унинг ёшлик шижоати билан қадам ташлаган журналистик фаолиятидан бошланди.

Армия сафларидаги йигитлик бурчини ўтаб қайтган Абдусамад ака ҳозирги Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети тарих-филология факультетининг кечки бўлимини муваффақиятли тамомлаб ёшлар газетасида ишлай бошлади. Сўнгра ҳозирги Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг маҳаллий матбуот бўлимида муҳаррирлик қилди.

Абдусамад аканинг бундан роппа-роса қирқ йил муқаддам ўз фаолиятини бошлаган Тошкентнинг «Оқшом» газеталари таҳририятида ишлаган кезлари айниқса мароқли ва сермаҳсул бўлди. Ҳафтада олти марта нашрдан чиқадиган «Оқшом» газеталарида меҳнат қилишни ҳар бир ижодкор орзу қиларди. Орзуси ушалиб таҳририятда иш бошлаганлардан талаб ҳам ўзгача, масъулият ҳам бўлакча эди. Шундай масъулият ва талабчанликни ўзида чуқур мужассам этган Абдусамад Обидхўжаев пойтахт ҳаётига оид долзарб мавзудаги мақолалари билан муштарийлар эътиборига тушди. Машҳур қадимшунос ўзбек олими, академик Яҳё Ғуломов билан тайёрланган мақола газетхонлар ўртасида айниқса қўлма-қўл бўлиб кетди. Ёки Тошкентда яшаб, меҳнат қилаётган, турли миллатга мансуб кишиларнинг ҳаёт тарзига, қувонч ва орзуларига бағишланган мақолаларчи? Абдусамад ака қаламига мансуб «Сафора гулҳунчаси», «Ўн учинчи маош муаммоси», «Ўн тўртинчи километрда» сарлавҳали публицистик мақолалар муштарийлар томонидан қизиқиш билан кутиб олинганлигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Ўзининг дилтортар мақолалари билан муштарийлар эътиборини қозонган, журналистика соҳасида бой тажриба тўплаган Абдусамад Обидхўжаевнинг саксонинчи йилларнинг бошида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ҳузурида янгидан ташкил этилган матбуот бўлимига мудир этиб тайинланиши олтин узукка ёқут кўз бўлиб тушди. Энди унинг зиммасига деворга осиладиган йиртма ўзбекча тақвимни нашр этишдек машаққатли ва масъулиятли вазифа юклатилган эди. Бунинг учун эса кишидан ҳар томонлама чуқур билим ҳамда тафаккури кенг бўлиши тақозо этиларди. Ана шундай фазилатлар Абдусамад акада мужассам эди.

Заҳматкаш ижодкорнинг саъй-ҳаракатлари билан бир йилга мўлжалланган тақвимга ўн етти ярим табоқ ҳажмда турли-туман матнларни тайёрлаш йўлга қўйилди. Унга бўлган талаб ва эҳтиёж республика вилоятлари ва шаҳарларида ошгандан оша борди. Ярим миллион нусҳадан ортиқ ўзбекча тақвимни тайёрлаш ишлари Тошкентда бажарилса, уни нашрдан чиқариш Пермда амалга оширилади. Бу вазифаларни вақтида, сидқидилдан адо этишда Абдусамад Обидхўжаев журналистга хос қатъийлик ва ғайрат кўрсатиб, ҳамкасб дўстлари ўртасида таҳсинга, ҳурмат ва эҳтиромга сазовор бўлди.

— Аҳли донишлар умрни оқар дарёга бежиз қиёсламаган эканлар, Солиҳжон, — деб эсларкан Абдусамад ака бир зум хаёл оғушига берилди ва сўзида давом этди: — Биласизми, очиғи ҳозир, Мустақиллик йилларида фаолият кўрсатаётган ижод аҳлларига жуда ҳавасим келади. Журналист ўзини ҳаяжонга солган дилидаги гапини бемалол айта оладиган ҳур замонлар келди. Бизнинг қалбдаги армонларимиз, ушалмаган орзуларимиз рўёбга чиққан кунларнинг қадрига етиш ҳам қарз, ҳам фарз деб ўйлайман.

Чиндан ҳам устоз журналистнинг бу сўзларида бир олам маъно ва мазмун бор. Абдусамад акани ўзларининг чин устозлари деб билган унинг кўпдан-кўп шогирдлари ҳозирги пайтда турли таҳририятларда фаолият кўрсатаётганидан хабар топганида, уларнинг қаламига мансуб мақолаларни ўқиганда қалблари бир олам қувончга тўлишининг шоҳиди бўлиш ғоят мароқлидир.

Умр бўйи изланишдан, ижод қилишдан чарчамаган Абдусамад Обидхўжаев асло тиниб-тинчимайди. Шу ўринда табаррук ёшга —иккитаси кам саксон ёшга етган устоз журналистнинг бошқалар учун ҳам ибрат бўладиган оилавий иккита альбомни қунт ва меҳр билан тайёрлаб, авлодларига катта совға ҳозирлаганини айтиш фурсати етди. Бу альбомни тайёрлаш учун озмунча меҳнат сарфланмади. Аждодлар ва авлодларнинг шажараси, бутун қариндош-уруғ ва ёр-биродарлар, ўзлари истиқомат қиладиган Собир Раҳимов туманидаги «Олимпия» маҳалласининг оқибатли кишилари, муборак Ҳаж зиёрати, бир сўз билан айтганда бир ярим икки асрлик узоқ тарихдан ҳикоя қилувчи ранг-баранг суратларни жамлаб, уни маҳорат билан альбомга айлантирган Абдусамад аканинг зукколигига, сабр-тоқатига қойил қолдик. Ана шу суратлар орасида «Тошкент оқшоми» газетаси чиқа бошлаши муносабати билан бундан қирқ йилдан ортиқ вақт муқаддам таҳририятга, газетанинг илк сонига оқ фотиҳа бергани келган замонамизнинг буюк кишилари бўлмиш Абдулла Қаҳҳор, Яҳё Ғуломов, Ҳабибий, Юнус Ражабийларнинг муборак сиймолари тасвирланган ноёб сурат Абдусамад аканинг шахсий альбомида ардоқланиб сақланаётганлигини алоҳида таъкидламоқчимиз.

Келинг, энди бироз чекиниш қилиб, устоз журналистнинг оиласи — унинг меҳрибон ва садоқатли умр йўлдоши Наирахон ая, бири-биридан одобли, оқил ва солиҳ фарзандлари ҳақида ҳам икки оғиз дил сўзларини айтайлик.

— Келин аянгиз билан бир ёстиққа бош қўйганимизга ҳам куни кеча ярим аср тўлди. Шу муносабат билан олтин тўйимиз ва аянгизнинг қутлуғ етмиш ёшга тўлишини нишонлаш тараддудидамиз, — дейди Абдусамад ака ва ҳаяжон билан Паҳлавон Маҳмуд ҳазратларининг:

Уч юз Кўҳи Қофни келида туймоқ,
Дил қонидан бермоқ фалакка бўёқ.
Ёинки бир аср зиндонда ётмоқ,
Нодон суҳбатидан кўра яхшироқ.

рубоийсини ёддан айтар экан сўзларида яна давом этдилар:

— Шукрлар бўлсинки, бутун ҳаётимиз давомида бир-биримизга парвона бўлиб, Наирахон аянгиз билан ахил-тотув яшаб, умр гузаронлик билан ҳаёт нашидасини сурмоқдамиз. Дарвоқе, оилада тотувлик бўлса — қўш-қўллаб берди Худо деяверинг, ишингиз ўз-ўзидан ўнгидан келаверади. Ҳали айтганимдек, мана эллик йилдирки, камина шундай қувончга тўла умр лаҳзаларининг шоҳиди бўлмоқдаман. Падари бузрукворим — раҳматли Обидўжа отамнинг муборак саксон ёшга ва каминанинг эллик ёшга тўлган бахтли онларимиз ҳам шундай завқли умр лаҳзаларимдир. Биринчи фарзандинг дунёга келиши, илк невараниг туғилиши, тўртта ўғлим — Қуддусхўжа, Асадхўжа, Аҳмадхўжа, Аҳрорхўжанинг гўшангаларга куёв бўлган кунлари, ягона қизим — Мунисхоннинг келинчак либосидаги жамоли, буларнинг ҳамма-ҳаммаси ҳаётимизнинг нашидали онлари сифатида қалбимда бир умрга муҳрланиб қолган.

Абдусамад ака устозлари — Рихси Соҳибоев, Рустам Абдураҳмонов, Насибулла Ҳабибуллаев, Шербек Алиев, бирга ишлашган Тўрғун Пўлат ва бошқа қатор таниқли ижодкорлар ҳақида ҳаяжон ва тўлиб-тошиб гапиришда давом этаркан заҳматкаш журналист билан Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигида ва «Оқшом» газеталарида узоқ йиллар бирга ишлашган кезларим, ҳамкасб дўстларимиз билан бўлган қизиқ воқеа ва ҳодисалар кўз ўнгимдан худди кино тасмасидек ўтарди. Бундай дамлар чиндан ҳам бир умрга инсон хотирасида сақланиб қолади.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ўтган асрнинг иккинчи ярмида «Оқшом» таҳририятида ишлаган кезларимиз чиндан ҳам умримизнинг айниқса эсда қоладиган, завқли дамлари эди. Келинг, бугун биз Абдусамад ака ҳақида, унинг фазилатлари ва сўзамоллиги тўғрисида ҳикоя қилаётган эканмиз, яхшиси бу табаррук инсон билан бўлган айрим ҳаётий лавҳаларга тўхталайлик.

...Пешин пайтида, овқатга чиққан кунларнинг бирида Абдусамад ака бир қўли билан мураккаб спорт машқини бажаришини айтиб ҳамкасб дўстимиз билан баҳслашиб қолди. Биз аввалига бундай бўлишига асло ишонмадик. Лекин у киши шу куни ўзининг спортдаги маҳоратини кўрсатиб, улфатлар учун чойхонадаги зиёфатни қўлга киритди. Ўткир Ҳошимов, раҳматли Тўлқин Расулев ва Ҳамид Икромов ҳамда Раҳматулла Файзуллаев, Абдуғани Абдуллаев, Маҳмуд Комилжонов, камина ва бошқалар бунинг жонли гувоҳи бўлганмиз. Ёки Абдусамад аканинг ўзига хос қилиб айтадиган, ҳатто баъзи қалам аҳлларининг эсига ҳам келмайдиган пурмаъно гаплари-чи?

... Ҳамкасб дўстларимиздан бири сўзи қизиқарли ва ишонарли чиқиши учун гап орасига кўп ёлғонларни ҳам қўшиб юборарди. Бир куни Абдусамад ака унга баҳо бераркан «Фалончи ёлғон топилмай қолса рост гапиради», деб ҳаммамизни ҳайрон қолдирди.

Тўйига бормагани учун Абдусамад акадан гина қилавериб унинг сабр-тоқатини тоширганда эса «Тўйингизга мен борсам сизнинг обрўингиз ошиб қолмайди, бормасам менинг обрўим камаймайди», деб тўй эгасини жавоби билан лол қолдирган ҳам шу устоз журналист бўладилар.

Хуллас, заҳматкаш ижодкорнинг бундай теша тегмаган, ўзига хос гаплари жуда бисёр. Лекин уларнинг аксарияти беғараз, самимий айтиладиган сўзлар бўлганлиги билан ёдда қолади. Бу фикримизни Наирахон аямиз ҳам қайта-қайта тасдиқладилар.

— Шундай заҳматкаш инсон билан бирга турмуш қуриб, ярим асрдан бери бир-биримизга қўш қанот бўлиб келаётганимдан бахтиёрман, — дейди Наирахон ая. — Турмушда нималар бўлмайди, дейсиз. Лекин эр-хотин ўртасида бир гап ўтгудек бўлса бир томон оғир, вазмин бўлса олам гулистон. Тўрт ўғил ва бир қизимизни оқил, фозил инсонлар қилиб тарбияладик. Ҳаммалари касб-ҳунарли, олий маълумотли. Уларнинг бахтли чеҳраларини кўрганимизда Абдусамад акангиз билан қувониб, шундай кунларга етказгани учун Аллоҳ таолога шукроналар айтамиз. Илоҳим оилаларимиз, юртимиз тинч, ҳаётимиз бундан ҳам фаровон, дастурхонимиз ҳозиргидек тўкинсочин бўлаверсин. Фарзандларимиз, невара, эвараларимизнинг бахтини кўрайлик, пиру-бадавлат бўлиб, доимо умрнинг завқли ва нашидали лаҳзаларини бошимиздан кечираверайлик...

Бутун ҳаётини матбуотимиз ривожига сидқидилдан бағишлаган устоз ижодкор, кўплаб шогирдларнинг меҳрибон мураббийси Абдусамад ака Обидхўжаев ҳақидаги ҳикоямизни шу ерда мухтасар этиб, журналистикамизнинг ҳақиқий заҳматкашига сиҳат-саломатлик, узоқ умр, бахтли нуронийлик, мунис ва ҳамиша меҳрибон умр йўлдоши — Наирахон аямиз билан қўша қариб, фарзандлари, невара ва эвараларининг саодатли кунларини ва иқболини кўриб юришларини яратгандан сўраб қоламиз.

Солиҳ ЁҚУБОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими

СУРАТДА: Абдусамад Обидхўжаев умр йўлдоши Наирахон ая билан

Шарқ дурдоналари

Ўз-ўз ўзганиб доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

«ЎЛМАС ХАЗИНА» СИФАТИГА ЭГА БЎЛГАН ҚАНОАТ ҲАҚИДА

Улуғ сифатлардан бири қаноат,
Қаноат эгаси топар саодат.
Қаноатли бойдир жамики палла,
«Ман қанаъа азза, ман тамаъ залла»
Очкўзлик ранж эрур, қаноатчи ганж,
Яхши билиб олгин ганж нимаю ранж.
Садафким, томчига қаноат қилди,
Бағрини дур билан зиёдат қилди,
Қаноатдан ҳеч ким асло ўлмади,
Очкўзликдан киши султон бўлмади.
Таъмагир ғамдаю қаноатли шод,
Таъмагир қул бўлса, қониъдир озод.
Тўрт байтни айтибдир Низомий Ганжа,
Эшитгил, ўзингга бермайин ранжа:
«Бировнинг уйига боргандан нон деб,
Уйда жим ўтирмоқ яхшидир жон деб.
Бировнинг хонидан егандан ҳалво,
Бировга ўзинг нон берганинг авло.
Қаноатда бўлиб, киши бўлса шод,
Билгинки, у киши муҳташам ниҳод.
Ҳар кимнинг нийяти бўлса кўп топиш,
Бир куни оқибат бўлғуси дарвиш».

ТАВАККУЛ, ЯЪНИ ҲАЗРАТИ ХАЛЛОҚҚА ЎЗНИ ТОПШИРИШ ҲАҚИДА

Ўшал сифатлардан бири таваккул,
Ўзни топширмоқдир Худога би-л-кулл.
Аллоҳнинг фазлига эътимод қилмоқ,
Наинки ўзини оловга урмоқ.
Мутаваккил эди Ҳабиби Худо,
Сен ҳам ушбу йўлни айла муддао.
Токай ризқни ўйлаб чекасан алам,
Тиш берган беради ризқи рўзни ҳам.
Ҳақ ишни адо қил, ризқ деб ғам ема,
Ўзи кафил бўлар, у ё бу дема.
Азалда нимани қилса муқаррар,
На зиёд бўлади, ва на камаяр.
Дилинг бўлса ҳамки лахта-лахта қон,
Насибадан ортиқ топмассан бир дон.
Ишингни ҳавола айла Аллоҳга,
Йўл йўқдир мунингдан ўзга бир роҳга.
Ундан ўзга борми сенга мададкор,
Оғир кунга қолсанг қутқарувчи ёр.
Паноҳига киру бир юзли бўлгин,
Таваккулни қилу кундузли бўлгин!

ҲАҚ ХУШНУДЛИГИГА САБАБ БЎЛУВЧИ РИЗО ҲАҚИДА

Ўшал сифатлардан бири ризодир,
Яъни таслим бўлмоқ қайси қазодир.
Ҳар ким таслим бўлса агар қазога,
Етишгай ул киши Ҳақдан ризога.
Беризо топмассан жаннат уйини,
Беризо сезмассан мақсад бўйини.
Агар сен қазога таслим бўлмасанг,
Ҳақнинг ризосини писанд қилмасанг,
Осмоннинг тагидан чиқиб ногаҳон,
Ўзга Раб сорига бўл унда равон,
Бу эса жаҳонда амри маҳолдир,
Қазога ризолик айни камолдир.
Ўзга ҳеч йўл йўқдир ризо бўлмасдан,
Бу йўлда таслими қазо бўлмасдан.,

ИККИ ОЛАМНИНГ УЛУҒЛИГИГА САБАБ БЎЛУВЧИ ТАВОЗЕЪ ҲАҚИДА

Сифатлар ичида тавозеъ хубтар,
Яхши одам бўлур ҳамиша камтар.
Тавозеъ обрўни кўтарар баланд,
Мартаба суффаси сенинг билан банд.
Такаббур бўлади пасту ярамас,
Шундайин дедилар Расуллуллоҳ, бас.
Мард бўлгин, манманлик ишини ташла,
Тупроққа кўм уни, ҳақ йўлни ушла.
Қара, ўша лаъин, еса ҳамки тош,
«Аба вастакбар», товлади у бош.
Аввалинг қатраи манийдан эди,
Охири танингни бу тупроқ ейди.
Аввалу охиринг шундай экан чун,
Кибрнинг йўлини ушламоқ, нечун?
Тавозеъ айлагин Худони ўйлаб,
Наинки бировнинг бойлигин сўйлаб.
Овқат деб ўйнатар итлар думини,
Оқиллар тавозеъ демагай буни.

Маҳмуд ҲАСАНИЙ тайёрлаган.

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

КЕНГ КЎЛАМДАГИ ПРОФИЛАКТИКА ИШЛАРИ

ҲАР ЙИЛИ РЕСПУБЛИКАМИЗДА ШУ ВАҚТЛАРДА «ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ»НИ ЎТКАЗИШ АНЪАНА ТУСИГА КИРИБ ҚОЛГАН. БУ БЕЖИЗГА ЭМАС, АЛБАТТА. ЗЕРО, БУ ДАВРГА КЕЛИБ, КУНЛИК ҲАРОРАТНИНГ КЕСКИН ПАСАЙИБ КЕТИШИ, ҚИШЛИ-ҚИРОВЛИ КУНЛАРНИНГ БОШЛАНИШИ ОҚИБАТИДА АЙРИМ ФУҚАРОЛАР ҚЎЛБОЛА МОСЛАМАЛАРДАН ФОЙДАЛАНА БОШЛАШИ САБАБЛИ ЁНҒИНЛАРНИНГ СОНИ КЕСКИН КЎПАЯДИ.

Тошкент шаҳар ИИББ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси томонидан жорий йилги «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги»ни ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилган, режали асосда ўтказиш мақсадида, бошқарманинг бўлим ҳамда бўлинма етакчилари барча туманлардаги маҳалла милиция таянч пунктларига бириктирилди. Маҳалла фаоллари, профилактика инспекторлари билан биргаликда алоҳида йиғма жилдлар ташкил этилди.

Ушбу тадбирнинг янада самарали ўтказилиши учун «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги»нинг ўтган 10 куни мобайнида шаҳримиздаги мавжуд 341 та корхона ва муассасаларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида текширувлар ўтказилиб, ушбу жараёнда 9887 нафар ишчи-хизматчилар иштирокида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш юзасидан учрашувлар ўтказилди. Бундан ташқари ана шу масканларда 1210 та «Ёнғин хавфсизлиги бурчаклари» ташкил этилди. Жойларда — бино ва иншоотларда 5500 та ёнғинга қарши камчиликлар аниқланиб, шулардан 67,8 фоизининг бартараф этилишига эришилди.

— Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида шаҳримиз бўйича жами 1362 та ёнғин юз берган, — дейди Тошкент шаҳар ИИББ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи, полковник Тўлқин Юлашев. — Айтиш мумкинки, ана шу ёнғинлар оқибатида мамлакатимиз иқтисодиёти, фуқароларимизнинг шахсий даромадларига қарийб 12095079 сўмлик моддий зарар етказилиб, улар натижасида 35 нафар киши ҳаётдан кўз юмган бўлса, 37 нафар фуқаро турли даражадаги тан жароҳати олишди. Ёнғинлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг қарийб 45 фоизи хонадонларда, шундан 40-50 фоизи газ иситиш печларида ва турли хилдаги электр жиҳозларидан нотўғри фойдаланиш оқибатида содир бўлмоқда. Афсуски, оловдан нотўғри фойдаланиш натижасида ёнғинлар сони ортиб бормоқда. Ўтган 10 ой мобайнидаги келиб чиққан ёнғинларнинг 780 таси айнан шунинг оқибатидир.

Халқимиз оловни ўз номи билан «тилсиз ёв» дея бежиз атамаган. Биринчи навбатда таълим масканларини ёнғиннинг машъум кулфатларидан асраш мақсадида шаҳримизда жойлашган 148 та ўрта мактаб, 174 та мактабгача таълим муассасаси, 12 та махсус мактаб-интернати, 60 та олий ва ўрта махсус таълим муассасаси, 4 та меҳрибонлик уйи ва 97 та даволаш муассасаларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида 19100 нафар ишчи-ходимга тушунчалар берилди. Соҳа ходимлари томонидан шаҳар ҳудудида жойлашган 3 та ўта муҳим ва тоифалашган объектларнинг ёнғинга қарши ҳолати ўрганиб чиқилиб, 2060 ишчи-хизматчи билан бевосита мулоқот ўтказилди.



Амалга оширилаётган ишлар натижасида юқорида тилга олинган объектлар учун 34 та ёнғин ўчириш шохобчалари керакли асбоб-анжомлар билан тўлиқ таъминланди ҳамда Сергели туманида жойлашган «Тошкент-тола» МЧЖ пахта терминал корхонаси томонидан 310 килограммлик кўпик ҳосил этувчи модда харид қилинишига эришилди. Шунингдек, Тошкент шаҳрида жойлашган 24.107 та аҳоли шахсий хонадонлари ва 1870 та кўп қаватли турар жой биноларининг ёнғинга қарши ҳолати ўрганиб чиқилди.

Хидирали ПАНЖИЕВ

СУРАТДА: Тошкент шаҳар ИИББ Ёнғин хавфсизлиги бошқармасининг «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги»да амалга ошираётган фаолиятидан лавҳа.

Муслима Раҳимова олган сурат.

Фестиваллар

НАВОЛАРДА КУЙЛАНАР ДЎСТЛИК

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ, УРГАНЧ ШАҲРИ, ҲАМДА Ҳ.НИЁЗИЙ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА МУСИҚА КОЛЛЕЖИДА ТЎРТ КУН ДАВОМИДА «КУЗ НАВОЛАРИ» ДЕБ НОМЛАНГАН МУСИҚАЛИ ФЕСТИВАЛЬ БЎЛИБ ЎТДИ. УНИ ЎЗБЕКИСТОН БАСТАКОРЛАР УЮШМАСИ, ТУРКИЯ ЖУМҲУРИЯТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭЛЧИХОНАСИНИНГ МАДАНИЯТ ВА ТУРИЗМ ИШЛАРИ МАСЛАҲАТХОНАСИ, ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ ҲАМДА ХОРАЗМ ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ ҲАМКОРЛИКДА ТАШКИЛ ЭТДИЛАР.

«Куз наволари» мусиқа фестивали Ўзбекистон Давлат консерваториясининг катта залида таниқли бастакор Рустам Абдуллаевнинг «Шодлик таронаси» симфоник мусиқаси билан очилди. Кечада Феликс Янов-Яновский, Мустафо Бафоев, Ҳабибулла Раҳимов, Фарҳод Алимов, Дилором Омонуллаева, Адиба Шарипова, Шукур Ғофуров ва туркиялик машҳур бастакорлар Ялчин Тўра, Ҳасан Ниязи каби бастакорларнинг куй ва қўшиқлари Ўзбекистон миллий симфоник оркестри ва «Сўғдиёна» ўзбек халқ чолғулари камер оркестри ижросидаги бетакрор куйлар янгради.

— «Куз наволари» фестивалини ўтказишдан асосий мақсадимиз, — дейди Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев, — хорижлик ва ўзбекистонлик бастакорлар билан ҳамкорликда янги-янги куй ва қўшиқларни яратишдир. Зеро, куй ва қўшиқ инсонларга ҳамиша маънавий озиқ бериб келган, уларни илҳомлантирган ва қалбларига бир олам завқ-шавқ бахшида этган. Бу фестиваль ҳам келажакда албатта ўз самарасини беради. Истаймизки, жумлаи-жаҳонда фақат майин наволар янграсин. Ўзбек бастакорларининг куйлари жаҳон саҳналарида баралла таралаверсин.

Сўнг фестиваль наволари ва ижодий учрашувлар Урганч шаҳрининг мусиқа мактабларида, санъат саройида давом эттирилди

Мусиқали тадбир Ҳ.Ниёзий номидаги республика мусиқа колледжида якунига етди. Фестиваль давомида мухлислар таниқли бастакорлар ижросидаги куй ва қўшиқлардан баҳраманд бўлдилар. Шунингдек, халқаро мусиқа фестивалари совриндори «Сўғдиёна» ўзбек халқ чолғулари камер оркестри, ҳамда Ўзбекистон миллий симфоник оркестри фестивалнинг янада сермазмун ўтишини таъминлади.

— Мен, ушбу фестивалда иштирок этаётганимдан жуда мамнунман, — дейди истанбуллик бастакор Ялчин Тўра. — Айниқса, пойтахтингиз менда жуда катта таассурот қолдирди. Ўзбекистон Давлат консерваториясининг муҳташам биноси, дид билан безатилган ўқув хоналарини кўриб бўлажак мусиқачи ва хонандаларга ҳавасим келди. Хива шаҳрининг ўзига хос урф-одатлари, қадимий обидалари ҳам бизни бефарқ қолдирмади. Мазкур фестивални дўстлик ва ҳамкорлик меваси деб аташни жоиз деб билдим

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

30 НОЯБРЬ, ПАЙШАНБА

ҚАТТИҚ ЗЎРИҚТИРАДИГАН ВА ТОЛИҚТИРАДИГАН ИШНИ БУГУНГА РЕЖАЛАШТИРМАНГ. БУГУН ТАБОБАТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШ, ДОРИ-ДАРМОНЛАР ТАЙЁРЛАШ, САЛОМАТЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ БИЛАН МАШҒУЛ БЎЛИШ ХАЙРЛИ КЕЧАДИ. МАЪДАН БИЛАН ИШЛАМАСЛИККА, ҚЎЛИНГИЗГА ТЕМИРНИ ОЛМАСЛИККА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ.

Мунажжим башорати

БОШЛАГАН ИШИНГИЗ ЧАЛА ҚОЛМАСИН!

Муҳими – бугун бошлаб қўйган ишингизни зинҳор чала қолдириб кетманг. Ҳар қандай ишни албатта охирига етказинг. Кечқурун эса, меҳмонга бориш ёки меҳмондорчилик уюштириш вақтингиз рисоладагидай ўтишига ёрдам беради. Суйган кишиларингиз билан дийдорлашиш, кечки зиёфатлар, ўтиришлар – яхшиликка бўлади.

Мунажжимларимиздан Света Деннинг таъкидлашича, бугунги кун юзаки қараганда туюладигинидек, жуда ҳам беозор кунлардан бўлмас экан. Ўз мақсадларини рўёбга чиқариш учун одамлар бир-бирларига панд бериш, иккиюзламачилик, қалбакилик, очиқдан-очиқ ёлғонлардан қайтишмайди. Улар бир-бирларига ён беришмайди, хасад ич-этларини ейди.

Шунинг учун ҳам яқинларингиз, ҳалолликда синовдан ўтган кишиларга ишонар экансиз, уларнинг ҳам чин сўзларини олишга ҳаракат қилинг. Ишингизда каттагина нохушликлар қасддан қилинган бўлмай, балки билмаслик, заифлик, касаллик туфайли рўй бериши мумкин.

Тушда паррандаларни кўриш – яхшиликка. Тишнинг тушиб кетиши каттагина нохушликларни билдиради. Тушингизда оловни кўришингиз ёлғоннинг белгиси бўлади.

Ўзбекларга рус тилини тезда ўргатаман т.116-30-92.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ДИҚҚАТ, КИМОШДИ САВДОЛАРИ !

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, қўмитанинг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси "Respublika Mulk-Auksioni" давлат унитар корхонаси билан ҳамкорликда барча ишбилармон ва тадбиркорларни бошланғич баҳоси қадам ба қадам ошиши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион ва танлов савдоларига таклиф этади.

Савдолар Давлат мулки қўмитаси биносида ўтказилади.

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади:

№	Объект номи	Манзили	Бошланғич баҳоси (минг сўм)	Савдо куни
	Самарқанд вилояти "Нуробод нефт базаси" унитар корхонасига қарашли			
1	5-сонли АЁҚШ	Каттақўрғон тумани, Муллокичкина қишлоғи	46 800,00	14, 21-декабрь кунлари соат 15.00
2	5-а сонли АЁҚШ.	Самарқанд вилояти Катта қўрғон тумани, Муллокичкина қишлоғи	37 300,00	14, 21-декабрь кунлари соат 15.00
	Қашқадарё вилояти "Қарши нефт базаси" унитар корхонасига қарашли			
3	13-сонли АЁҚШ	Қашқадарё вилояти Миришкор тумани Помук қишлоғи	25 137,00	14, 21-декабрь кунлари соат 15.00
	Сирдарё вилояти "Гулистон нефт базаси" давлат унитар корхонасига қарашли			
4	"Автокемпинг"мулкий мажмуаси	Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани "Баҳор" жамоа хўжалиги, Тошкент кўчаси	917512,00	29 декабрь соат 15.00
	"Ўздавмелиосувлойиҳа" институтига қарашли			
5	"Инженер қидирув ишлари бўйича марказий комплекс экспедицияси" тасарруфидаги 100 фоиз давлат активи	Тошкент вилояти Зангиота тумани	80233,00	29 декабрь соат 15.00
	Ховос туман халқ таълими бўлимига қарашли			
6	"Булбулча" болалар боғчаси, фаолият турини сақлаш шарти билан	Сирдарё вилояти, Ховос тумани	105 354,80	14, 21-декабрь кунлари соат 15.00

Савдо натижаси бекор қилинган Наманган вилояти, Поп тумани, Гулбаҳор шаҳарчасида жойлашган, "Тўрақўрғон нефт базаси" унитар корхонасининг Чуст филиалига қарашли 15-сонли АЁҚШ 16 238 800,00 сўм бошланғич баҳода 14-21-декабрь кунлари соат 15.00 да қайта аукцион савдоларига қуйилади.

Ушбу 15-сонли АЁҚШ бўйича аукцион савдосида қатнашиш учун объектнинг бошланғич баҳосига нисбатан 30 фоиз миқдорида закалат пули тўланиши лозим.

Танлов савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади:

№	Объект номи	Манзили	Бошланғич баҳоси (минг сўм)	Савдо куни
1	Қибрай тумани Халқ таълими бўлимига қарашли 10-сонли болалар боғчаси, фаолият турини сақлаш шарти билан	Тошкент вилояти Қибрай тумани Тузель қишлоқ фуқаролар йиғини	20613,868	29 декабрь куни соат 11.00
2	Денов тумани Халқ таълими бўлимига қарашли 16-сонли болалар боғчаси	Сурхондарё вилояти Денов тумани, Н.Мирзаев кўчаси, 97-уй	160 000,00	29 декабрь соат 11.00
3	"Қўқон механика заводи" ОАЖнинг 74,08 фоиз давлат акция пакети, 1 000 000 (бир миллион АҚШ долларидан кам бўлмаган қўшимча инвестиция киритиш шарти билан)	Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри	1 941 987,0 АҚШ доллари	29 декабрь соат 11.00
4	"Уйчи йигирув-тўқув" АЖнинг 73,1 фоиз давлат акция пакети (3,0 млн. АҚШ долларидан кам бўлмаган қўшимча инвестиция киритиш шарти билан)	Наманган вилояти, Уйчи тумани	740 000,00	29 декабрь соат 11.00

Танлов савдосининг асосий шартлари:

- объектни сотиб олиш бўйича энг юқори баҳони таклиф этиш;
- энг кўп миқдордаги сармоя киритиш мажбуриятини олиш.

Танлов савдоларида қатнашишни хоҳлаган сармоядорлар, савдо ўтказиладиган санадан камида уч кун олдин, ўз сармоявий таклифлари ва қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт:

1. Танлов қатнашчисининг талабномаси;
2. Таъсис ҳужжатлари нусхалари (хорижлик сармоядорлар – ҳуқуқий шахслар учун Ўзбекистон Элчихонаси ёки улар вакил бўлган давлатнинг Ўзбекистондаги Элчихонаси тасдиқлаган таъсис ҳужжатлари нусхалари);
3. Сармоядор вакилига амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда тасдиқлаб берилган ишончнома;
4. Сармоядорнинг тўлов салоҳиятига эга эканлигини тасдиқловчи хизмат кўрсатувчи банкининг (ёки халқаро аудиторлик хизмати) маълумотномаси;
5. Савдо объектига сармоядор таклиф этаётган, унинг бошланғич баҳосидан кам бўлмаган маблағ миқдори (таклиф баҳоси унинг бошланғич баҳосидан кам бўлса, у кўриб чиқилмайди);
6. Савдо якунлари бўйича сармоядорга билдиришнома юборилиши учун зарур бўлган бошқа маълумотлар.
7. Жисмоний шахслардан – паспорт нусхалари.
8. Савдода қатнашиш учун савдо объекти кўрсатилган ҳолда закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжатининг нусхаси (конвертга солинмасдан шахсан тақдим этилади).

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! Имкониятингизни қўлдан бой берманг!

Очиқ аукцион ва танлов савдоларида иштирок этишни истаган юридик ва жисмоний шахслар объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизи миқдорида "Respublika Mulk-Auksioni" ДУКнинг Ўзсаноат қурилиш банки Марказий амалиёт минтақавий филиалидаги 2021 0000 8045 3759 9001 ҳисоб рақамига закалат пули тўлашлари шарт. МФО 00442, СТИР 206761326.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун "Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолаб, закалат пулини тўлаган харидорлардан ариза ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 (бир) кун олдин, ер майдонлари учун эса 3(уч) кун олдин тўхтатилади.

Танлов савдосида иштирок этиш учун "Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолаб, закалат пулини тўлаган харидорлардан ариза ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш савдо бошланишидан 3 (уч) кун олдин тўхтатилади.

Қўшимча маълумотлар учун "Respublika Mulk-Auksioni" давлат унитар корхонасига мурожаат қилишингиз мумкин.

Мурожаатлар учун:

Манзил: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 55-уй, 14-ават, 6-хона.

Телефонлар: 139-22-73, 139-21-03. **Факс:** 139-14-84.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 1307

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3962 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 . 6